

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИҒИ

Рўйхатга олинди:

№ БД 5.01
2019 йил "15" 04

Соғлиқни сақлаш вазирлиги

107 - сонли Буйруқ
2019 йил "15" 04



ҲАЁТ ФАОЛИЯТИ ХАВФСИЗЛИГИ. ФУҚАРО МУХОФАЗАСИ

ФАН ДАСТУРИ

Билим соҳаси:	500000	– Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот
Таълим соҳаси:	510000	– Соғлиқни сақлаш
Таълим йўналишлари:	5510100	– Даволаш иши
	5111000	– Касбий таълим (5510100- даволаш иши)
	5510300	– Тиббий-профилактика иши
	5510900	– Тиббий-биология иши

Тошкент -2019

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 20¹⁹ йил “25” 04 даги “107” – сонли буйруғининг 2 -илоvasи билан фан дастури рўйхати тасдиқланган.

Фан дастури Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги тиббиёт олий ва ўрта махсус касб-хунар таълим муассасалари фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашининг 20¹⁹ йил “15” 04 даги “2” – сонли баённомаси билан маъқулланган.

Фан дастури Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича Ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашда маъқулланган, ОЎМТВнинг 201⁸ йил “7” 12 даги 1000 сонли буйруғи билан келишилган.

Фан дастури Тошкент тиббиёт академиясида ишлаб чиқилди.

Тузувчилар:

- Н.Ж.Эрматов – ТТА “Болалар, ўсмирлар ва овқатланиш гигиенаси” кафедраси мудир, тиббиёт фанлари доктори
- Б.Б.Ортиқов – ТТА “Болалар, ўсмирлар ва овқатланиш гигиенаси” кафедраси ассистенти

Такризчилар:

- Саломова Ф. И. - Атроф мухит гигиенаси кафедраси мудир т.ф.д.
- Хамроқулова М.А - Санитария-гигиена ва касб касалликлари илмий тадқиқот институти директорини даволаш ишлари бўйича директор ўринбосари т.ф.д.

Фан дастури Тошкент тиббиёт академияси Кенгашида кўриб чиқилган ва тавсия қилинган (201⁹ йил “27 март” даги “8”-сонли баённома).

I. Ўқув фанининг долзарблиги ва олий касбий таълимдаги ўрни

Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги. Фуқаро муҳофазаси фани тиббиёт фанлари тизимида, халқ хўжалигида ва соғлиқни сақлашдаги ўрни катта. Бу фан услублари ёрдамида аҳолига атроф муҳит ва инсон организмига табиий, техноген ва экологик тусдаги фавқулотда вазият таъсирини ўрганиш услубларини ишлаб чиқишда аҳамиятли. Шу усулларни қўллаш билан инсон саломатлигини сақлаш, фавқулотда вазиятда аҳолини ҳимоя қилиш ва фавқулотда вазият оқибатини бартараф этишга ёрдам беради. Қилинган ишлар натижалари асосида қоидалар ишлаб чиқарилади ва амалиётга тадбиқ қилинади.

Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги. Фуқаро муҳофазаси фани қўшимча фанлар блокига киритилган. “Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги. Фуқаро муҳофазаси” фани тиббий-ижтимоий фанлар туркумига киради ва барча тиббий бакалаврият таълим йўналишларида ўқитилади. Мазкур фан бошқа тиббий фанларнинг назарий ва услубий асосига таяниб, ўз ривожига барча йўналишдаги тиббий фанлар ютуқларидан фойдаланади.

Фанни ўзлаштиришда дарслик, ўқув ва услубий қўлланмалар, тарқатма материаллар, компьютер дастурлари, электрон материаллардан фойдаланилади. Маъруза ва амалий дарсларда мос равишдаги илғор педагогик технологиялар қўлланилади.

II. Ўқув фанининг мақсади ва вазифаси

Фанни ўқитишдан **мақсад** – аҳоли ҳаёт фаолиятига хавф туғилганда, фавқулотда вазиятда тўғри қарор қабул қилиш, аҳолини тинчлантириш ва аниқ ҳаракат қилишга ўргатиш;

- бошқарув жараёнига баҳо бера оладиган, аҳолига бирламчи тиббий санитария ёрдамини ташкил этиш буйича назарий, илмий-амалий ва услубий билимларга эга бўлган мутахассисни (умумий амалиёт шифокор) тайёрлашдир.

Фанни вазифаси:

- талабаларда ҳозирги даврда содир бўлаётган табиий, техноген ва экологик тусдаги фавқулотда вазиятларнинг аҳоли соғлигига, халқ хўжалиги объектларига, давлатнинг иқтисодиётига таъсирини;

- радиацион, кимёвий қидирув ва дозиметрик асбоблар тузилишини;

- жабрланган аҳолига ўз вақтида турли хилдаги тиббий ёрдамни кўрсатишни;

- даволаш муассасаларни ва тиббиёт ходимларни доимий шай ҳолатда бўлишини;

- яқка ва умумий муҳофазаланиш воситаларни тушунтириш;

- соғлом турмуш тарзини аҳолига тадбиқ этиш чораларини ўргатишдир.

Ушбу мақсадга эришиш учун фан талабаларни назарий билимлар, амалий кўникмалар, фавқулотда вазиятлардаги ҳодиса ва жараёнларга услубий ёндашув ҳамда илмий дунёқарашини шакллантириш вазифаларини бажаради.

Фан бўйича талабаларнинг билим кўникма ва малакаларига қуйидаги талаблар қўйилади.

Талаба:

- аҳоли ҳаёт фаолияти хавфсизлигига таъсир қилувчи омиллар, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ва организмга патологик таъсири ҳақида;

- оммавий қирғин қуроллари таъсирида вужудга келган салбий омиллар мажмуаси таъсирида организмда кечадиган патологик ҳолатларни олдини олиш ёки таъсир оқибатини камайтириш учун олиб бориладиган ишлар ҳақида;

- табиий, техноген ва экологик тусдаги фавқулотда вазиятда жабрланган аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш ва зарарланган ўчоқларни бартараф этиш учун фуқаро муҳофазасининг тиббий хизмати куч ва воситаларини, зарурий мол – мулк билан таъминоти **ҳақида тасаввурга эга бўлиши;**

- аҳолини соғлом турмуш тарзига таъсир қилувчи омилларни;

- радиацион, кимёвий ва биологик вазият устидан асбоблар ёрдамида кузатишни;

- лаборатор назоратни олиб боришни, маълумотларни қайд этиш ва таҳлил этишни;

- фавқулотда вазият ўчоғида фуқаро муҳофазаси усулларини қўллашни **билиши ва улардан фойдалана олиши;**

- аҳоли ҳаёт фаолиятига хавф туғилганда, фавқулотда вазиятда тўғри қарор қабул қилиш, аҳолини тинчлантириш ва аниқ ҳаракат қилишга ўргатиш;

- шахсий ҳимоя воситаларидан фойдаланиш;

- шахсий тиббий ҳимоя воситаларидан фойдаланиш;

- биринчи тиббий ёрдам ва биринчи шифокор ёрдамини кўрсатиш;

- санитар пост, санитар дружиначи, санитар дружиначилар отряди ишига раҳбарлик қилиш;

- дастлабки тиббий ёрдам кўрсатиш гуруҳида шикастланган аҳолига биринчи шифокор ёрдамини кўрсатиш;

– радиацион, кимёвий ва биологик вазият устидан ДП -5 ва ВПХР асбоблари ёрдамида кузатишни.

– лаборатор назоратни олиб боришни, маълумотларни қайд этиш ва таҳлил этишни.

– зарарланган ҳудуддан олиб чиқилган аҳолини қисман ва тўлиқ санитар ишлов беришни.

– биринчи тиббий ёрдам ва биринчи шифокор ёрдамини кўрсатишни.

амалий кўникмаларига эга бўлиши керак.

III. Асосий назарий қисм (маъруза машғулотлари)

Маърузалар кўзда тутилмаган.

IV. Амалий машғулотлар бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Амалий машғулотлар 50% назарий ва 50% амалий қисмдан иборат бўлган ҳолда ўтказилади, қуйидаги мавзулар тавсия этилади:

1. Ҳаёт фаолияти хавфсизлигини таъминлаш асослари.
2. Тинчлик ва ҳарбий ҳаракатлар олиб бориш даврида фавқулотда вазиятларда фуқаро муҳофазаси.
3. Табиий тусдаги фавқулотда вазиятларда (табиий офатлар) фуқаро муҳофазаси.
4. Геологик, гидрометеорологик хавфли ҳодисалар. Қурғоқчилик ва ёнғинларда фуқаро муҳофазаси.
5. Фавқулотда вазиятларда аҳолини шахсий муҳофаза воситалари (ШМВ).
6. Фавқулотда вазиятларда аҳолини шахсий тиббий муҳофаза воситалар (ШТМВ) ва улардан фойдаланиш.
7. Фавқулотда вазиятларда аҳолини муҳофаза иншоотлари.
8. Фуқаро муҳофазаси тиббий хизматининг (ФМ Т/Х) вазифалари ва ташкилий тузилиши.
9. Фавқулотда вазиятларда шикастланган фуқароларни даволаш эвакуация тадбирлари (ДЭТ)ни ташкиллаштириш.
10. Ядровий шикастланиш ўчоғининг (ЯШЎ) тиббий - тактик тавсифи.
11. Ядровий портлаш омиллари. Жабрланиш зоналари тавсифи.
12. Кимёвий шикастланиш ўчоғининг (КШЎ) тиббий - тактик тавсифи.
13. Жанговар захарловчи кимёвий моддаларнинг (ЗКМ) клиник (токсикологик) таснифи ва таъсир механизми.
14. Саноатда ва қишлоқ хўжалигида ишлатиладиган захарли кимёвий моддаларнинг (ЗКМ) таснифи ва таъсир механизми.
15. Биологик шикастланиш ўчоғининг (БШЎ) тиббий-тактик тавсифи.
16. Шикастланиш ўчоқларда дастлабки тиббий ёрдамни ташкил қилиш.
17. Шикастланган ўчоқлардан олиб чиқилган ярадор ва беморларга биринчи шифокор ёрдамини ташкиллаштириш.
18. Малакали ва ихтисослаштирилган тиббий ёрдамини ташкил қилиш.

Амалий машғулотлар мультимедиа қурилмалари билан жиҳозланган аудиторияда бир академик гуруҳга бир ўқитувчи томонидан ўтказилиши лозим. Машғулотлар фаол ва интерактив усуллар ёрдамида ўтилиши, мос равишда муносиб педагогик ва ахборот технологияларини қўллаш мақсадга мувофиқдир. Амалий машғулотларни ўтказишда қуйидаги дидактик тамойилларга амал қилинади:

- амалий машғулотларни мақсадини аниқ белгилаб олиш;
- ўқитувчининг инновацион педагогик фаолияти бўйича билимларни чуқурлаштириш имкониятларига талабаларда қизиқиш уйғотиш;
- талабада натижани мустақил равишда қўлга киритиш имкониятини таъминлаш.
- талабанинг назарий-услубий жиҳатдан тайёрлаш.

Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги. Фуқаро муҳофазаси фани бўйича амалиётни ўтиш даврида талабалар амалий кўникмаларни ўзлаштиришлари кўзда тутилган.

Амалий кўникмалар рўйхати:

1. Аҳоли ҳаёт фаолиятига хавф туғилганда, фавқулодда вазиятда тўғри қарор қабул қилиш, аҳолини тинчлантириш ва аниқ ҳаракат қилишга ўргатиш.
2. Шахсий ҳимоя воситаларидан фойдаланиш.
3. Шахсий тиббий ҳимоя воситаларидан фойдаланиш.
4. Биринчи тиббий ёрдам ва биринчи шифокор ёрдамини кўрсатиш.
5. Санитар пост, санитар дружиначи, санитар дружиначилар отряди ишига раҳбарлик қилиш.
6. Дастлабки тиббий ёрдам кўрсатиш гуруҳида шикастланган аҳолига биринчи шифокор ёрдамини кўрсатиш.
7. Радиацион, кимёвий ва биологик вазият устидан ДП -5 ва ВПХР асбоблари ёрдамида кузатишни.
8. Лаборатор назоратни олиб боришни, маълумотларни қайд этиш ва таҳлил этишни.
9. Зарарланган ҳудуддан олиб чиқилган аҳолини қисман ва тўлиқ санитар ишлов беришни.
10. Биринчи тиббий ёрдам ва биринчи шифокор ёрдамини кўрсатишни.

Ўқув амалиётни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Амалий машғулотда амалий кўникмаларга ўргатиш жараёни батафсил режалаштирилади ва 3 босқични ўз ичига олади:

1. Кириш қисми – машғулотнинг мақсади ва вазифалари аниқланади, ўрганилаётган кўникмадан фойдаланишнинг мотивацион асоси, унинг назарий жиҳатлари муҳокама қилинади.
2. Кўникмани намойиш қилиб бериш ва кўп марта машқ қилиш – бунда кўникмани босқичларга тўғри тақсимлашга алоҳида эътибор қаратилади. Тесқари алоқани олгунга қадар, яъни ўрганаётган шахс мустақил, бироқ педагог назорати остида бажара олганда, кўникмани бажаришнинг барча босқичларини умумлаштириш ва муляжларда, ўзаро бир-бирида кўп марта машқ қилиш ва фақат кўникмага эга бўлгандан сўнг беморда қўллагунча, ҳар бир босқич намойиш қилинади ва ишлаб чиқилади.
3. Хулоса – ўрганаётган шахс билан ушбу кўникманинг аҳамиятини муҳокама қилиш ва уни турли вазиятларда қўллаш. Сўров асосида бирламчи бўғиннинг мақсади ва вазифаларига эришилганлигига ишонч ҳосил қилиш. Ўқитиш жараёнида юзага келган муаммоларни аниқлаш ва ҳал қилиш.

Талабаларга бажарилаётган амаллар алгоритми мавжуд бўлиши лозим (кафедранинг услубий қўлланмасида касбий йўриқномалар батафсил ёритилган, ўқув хонаси деворига схема кўринишида осиб қўйилган бўлиши лозим). Ўқитувчи назорат қилади ва керак бўлганда талабалар ишидаги хатоликларни тўғрилайди. Талаба, унинг хатоси нимада эканлигини, ўқитувчига ва бошқа талабаларга тушунтириб беради ва сўнгра муолажани

такрорлайди. Интерфаоллик шунда намоён бўладики, бунда бошқа талабалар эксперт сифатида чиқишга ва ўқитилаётган талабанинг амалий кўникмани тўғри ўзлаштирганлигини баҳолашга тайёр бўлишлари лозим.

Машғулот сўнггида ўқитувчи ҳар бир талабанинг амалий кўникмани ўзлаштирганлик даражасини баҳолайди. Талаба амалий кўникмани ўзлаштира олмаган вазиятларда, машғулотдан ташқари вақтда мустақил ўзлаштириш тавсия этилади.

Лаборатория ишларини ташкил этиш бўйича кўрсатмалар
Фан бўйича лаборатория ишлари намунавий ўқув режада кўзда тутилмаган.

V. Мустақил таълим ва мустақил ишлар

Мустақил таълим учун тавсия этиладиган мавзулар:

1. Ҳаёт фаолияти хавфсизлигини таъминлаш асослари. Ишлаб чиқариш муҳтида инсон омили.
2. Ишлаб чиқаришда меҳнат хавфсизлигини таъминлаш психологияси. Ишлаб чиқаришда муқобил муҳитни таъминлаш.
3. Фуқароларни муҳофаза қилишнинг асослари ва хусусиятлари.
4. ФМ Т/Х нинг ҳар бир даврда асосий ташкилий тамойилари.
5. Шахсий ҳимояланиш воситалари. Шахсий тиббий ҳимоя воситалари.
6. Терроризм ва аҳоли муҳофазаси.
7. Табiiй офатлар ва уларнинг оқибатлари.
8. Ёнғин хавфсизлиги асослари.
9. Фавқулотда ҳолатларда қутқарув ва биринчи тиклов ишларини ташкил этиш.
10. Аҳолининг табiiй офатлар, катта фалокатлар ва талафотларда тиббий жиҳатдан таъминланишини ташкил этиш.
11. Ядровий қуроллар тури ва қўлланиш усуллари тўғрисида тушунча. Ядровий ўчоқ тавсифи.
12. Бактериологик (биологик) воситалар билан зарарланган ўчоқда эпидемияга қарши чора-тадбирлар.
13. Кимёвий қурол, уни қўллаш усуллари ва ЗМ тавсифи.
14. Аҳолини оммавий қирғин қуроллардан ҳимоя қилиш.
15. Аҳолини душман тажовузи хавфи пайтида ва шикастланган аҳолини даволаш-кўчириш чора-тадбирлари.
16. Тиббий муассасаларни кўчириш, жойлаштириш ва фаолиятини ташкил этиш.
17. Шикастланган ўчоқларда ўз-ўзига ва ўзаро тиббий ёрдамни ташкил қилиш. Дастлабки тиббий ва биринчи шифокор ёрдамни ташкил қилиш.
18. Малакали ва ихтисослашган мутахассис тиббий ёрдамни ташкил этиш.
19. Фуқаро муҳофазаси тиббий хизмати муассасаларини тиббий, санитар-хўжалик ва махсус мол-мулклар билан таъминлаш.

Фан бўйича мустақил иш аудитория ва аудиториядан ташқари ўтказилади.

Талаба мустақил ишини ташкил этишда қуйидаги шакллардан фойдаланилади:

- аудитория машғулотларидан ташқари табелли ҳимоя воситалари ва асбоб-ускуналар билан ҳамда тасдиқланган амалий кўникмаларни педагог назоратида сон ва сифат жихатдан бажариш ва амалий кўникмаларни ўзлаштириш дафтарларида акс эттириш;

- айрим назарий мавзуларни ўқув адабиётлари ёрдамида мустақил ўзлаштириш;

- берилган мавзу бўйича ахборот (реферат) тайёрлаш;

- фаннинг бўлимлари ёки мавзулари устида махсус ёки илмий адабиётлар (монографиялар, мақолалар) бўйича ишлаш ва маърузалар қилиш;

- вазиятли ва клиник муаммоларга йўналтирилган вазиятли масалалар ечиш;

- кейс (реал клиник вазиятлар ва клиник вазиятли масалалар асосида case-study) ечиш;

- тақдимот ва видеороликлар тайёрлаш ҳамда мустақил иш жараёнида кенг қўллаш ва ҳ.к.

Фан бўйича курс иши (лойихаси)

Фан бўйича курс иши ўқув режасида кўзда тутилмаган.

VI. Асосий ва қўшимча ўқув адабиётлар ҳамда ахборот манбаалари Асосий адабиётлар

1. Рустамова Х.Е., Махсумов М.Дж., Туймачев Ў.А. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги. Фуқаро муҳофазаси. Дарслик.- Тошкент. «Тафаккур-Бўстони» - 2018 й.
2. Рустамова Х.Е., Махсумов М.Дж., Туймачев Ў.А. Фуқаро муҳофазаси ва фуқаро муҳофазаси тиббиёт хизмати. Ўқув қўлланма. Тошкент. «Тафаккур-Бўстони» - 2018 й.
3. Тожиев М., Нигматов И. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги. Ўқув қўлланма. Тошкент. «Тафаккур-Бўстони» - 2012 й.
4. В.Н.Завялов.Гражданская оборона. Учебник. Москва, “Медицина”. 1989

Қўшимча адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб интизом ва шахсий жавобгарлик- ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. 2017 й, 104 бет, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг “Ўзбекистон” нашриёт матбаа ижодий уйи.
2. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизнинг мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курашимиз. 2017 й, 488 бет, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг “Ўзбекистон” нашриёт матбаа ижодий уйи.
3. Мирзиёев Ш.М. эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо эташимиз. 2016 й, 56 бет, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг “Ўзбекистон” нашриёт матбаа ижодий уйи.
4. “Фуқаро муҳофазаси тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Қонуни. 2000 йил 26 май.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Фавқулодда вазиятларни олдини олиш давлат тизими тўғрисида”ги № 558 қарори. Т:1997-йил.
6. Фавқулодда вазиятдан муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асослари. ЎРФВВ. Фуқаро муҳофазаси институти. Тошкент-2000 й.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг, Вазирлар Маҳкамасининг фавқулодда ҳолатларнинг олдини олиш ҳамда фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилиш тўғрисидаги фармон, қарор ва бошқа меърий ҳужжатлари
8. Саидов Б.М., Хабибуллаева В.Н., Саидов Б.Б., Ишхўжаева В.Б., Ҳакимжонов В.Б., Саидова СҲ.Б. “Фуқаролар муҳофазаси ва унинг тиббий хизмати” -Тошкент, 2006 й.
9. Основы организации защиты населения и территории чрезвычайных ситуаций мирного и военного времени. А.В.Матвеев, А.И.Коваленко. Санкт-Петербург – 2007 г.
10. Мухиддинов Р.У., Тожибаев Н.С. “Фавқулодда вазиятларда тиббий ёрдам кўрсатиш”-Наманган, 2002й.
11. Фавқулоддаги вазиятларда тиббий ёрдамни ташкиллаштириш бўйича услубий ва норматив тўплам. ЎЗР ССВ, Шошилинич тиббий ёрдам Респ.Маркази, Тошкент, Ибн Сино, 1997й.

12. Фавқулоддаги вазиятларда шошилиш тиббий ёрдам ташкил этиш юзасидан услубий ва норматив материаллар тўплами. Тошкент, Ибн Сино, 1997й.

13. Ҳабибуллаев И.Х. “Аҳоли ва ҳудудларни фавқулоддаги вазиятлардан муҳофаза қилиш тадбирларини режалаштириш”. Тошкент, «Тафаккур-Бўстони» - 2000 йил.

Интернет сайтлар:

1. [www. мед.ру](http://www.med.ru)
2. www.tma.uz
3. www.ziynet.uz
4. [www.инфо@tma.uz](mailto:www.info@tma.uz)
5. [www.инфо @минздрав.уз](mailto:www.info@minzdrav.uz)

